

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**“Сув хўжалигини бошқариш ва
унинг иқтисодиёти” факультети**

**«Сув хўжалиги иқтисоди»
кафедраси**

**Ҳимояга рухсат этилсин
кафедра мудири**

_____ и.ф.н. С.Умаров

«_____» _____ 2013 йил

**Бакалавр даражасини олиш учун
МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

**Мавзу: «Суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали
фойдаланиш йўллари»**

***(Иштихон тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари
мисолида)***

Бажарувчи:

4-курс 2-гуруҳ талабаси

И.Саидмуродов

Битирув иши раҳбари:

и.ф.н. Б.Султанов

Тошкент – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Иштихон туманининг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари. . .	5
Асосий қисм	
1 Суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг зарурияти	10
2 Қишлоқ хўжалик ерларида истеъмол қилинган сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили	18
3 Туман фермер хўжаликларининг фаолияти ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш ҳолати	23
4 Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш тадбирлари	37
Ҳуқуқий қисм	47
Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қисми	53
Хулоса ва таклифлар	56
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
Мавзу бўйича интернет материаллари	62

КИРИШ

Мамлакатимизда суғорма деҳқончилик ва сув ресурслари салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан саналади. Чунки, Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бевосита сув таъминоти билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда йилига ўртача 55 млрд. м³ сув талаб қилинади. Бу Марказий Осиё давлатларида истеъмол қилинадиган сувнинг қарийб ярмига тенгдир. Шунингдек, республикамизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг аксарият қисми қўшни давлат ҳудудларида шаклланиб, оқиб келади. Бу муаммонинг бир томони бўлса, иккинчи томондан республикамизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 85 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сарфланади. Деҳқончиликка мўлжалланган экин ерларининг 98 фоизини суғорма майдонлар ташкил қилади. Мамлакатимиздаги демографик вазият, суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизини мелиоратив ҳолатинининг қониқарсизлиги, саноатни ривожланиши суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалиги ерлари оборотидан чиқариш хавфини келтириб чиқаради.

Шу сабаб мамлакатимиз ҳукумати томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини истиқболи айнан энг қимматбаҳо саналган суғориладиган ерларни муҳофаза қилишга бевосита боғлиқ.

Шундан кўриниб турибдики, истиқболда сув ресурслари ҳамда суғорма деҳқончилик учун қимматбаҳо саналган суғориладиган ерларни ҳажм жиҳатдан ошириш имконияти чекланган.

Шу сабаб Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб

борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим”¹.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд суғориладиган экин ерларидан самарали фойдаланиш, мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш тармоқнинг истиқболдаги асосий вазифаларидан саналади.

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохот ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь.

Иштихон туманининг табиий-иқтисодий шарт-шароитлари

Иштихон тумани Самарқанд вилоятидаги туман бўлиб, 1943 йил 18 майда ташкил этилган. Вилоятнинг Қўшработ, Пайариқ, Каттакўргон, Пастдарғом туманлари билан чегарадош. Туманнинг майдони 0,72 минг км²ни ташкил этади. Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Азамат, Зарбанд, Равот, Файзиобод, Халқобод, Чордара, Ўртақишлоқ, Курли, Ҳақиқат), бир шаҳар (Иштихон), бир шаҳарча (Митан)лар мавжуд.

Иштихон тумани Зарафшон дарёсининг икки тармоғи — Оқдарё ва Қорадарё оралиғида жойлашган. Шимолий қисми адир ва қирлардан иборат. Нурота тоғларининг жанубий ён бағридаги текислик билан туташган. Туман ҳудудидан Миёнқол, Қора-сув, Хатирчи, Янгикент, Хонминг каби каналлар ўтади. Экин майлонлари Янгикент ва Хўжаариқ каналларидан суғорилади. Иқлими континентал. Вегетация даври 120-150 кун. Йиллик ёғин 350 мм. Ўртача температура июлда 27°, январ ойида — 1,9°. Тупроқлари типик бўз, аллювиал ўтлоқ, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар.

Туман қишлоқ хўжалигида пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликлари ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғулланадилар.

Иштихон туманида мавжуд 31,5 минг гектар суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш учун 103,7 км магистрал каналлар ҳамда улардаги 166 дона гидротехник иншоотлар хизмат қилади.

Туманнинг 4760,0 гектар ер майдонлари Давлат насос станциялари ҳамда 4229 гектар ер майдонлари хўжалик ички насос станциялари ёрдамида суғорилади.

Сув таъминоти тадбирлари учун Давлат бюджети ҳисобидан йил давомида жами 1434,5 млн сўм маблағ сарфланади. Бунда ўртача 1 гектар суғориладиган майдон учун 45,5 минг маблағ сўм тўғри келишини кўриш мумкин.

Туманда кишлоқ хўжалик эҳтиёжи учун 224,9 млн м³ ёки бир гектар майдонга ўртача 7140 м³ сув сарфланмоқда. Туманига етказиб берилган 1 м³ ўзи оқар сувнинг таннарни 1.73 сўмни ташкил қилади. Насос билан кўтарилган 1 м³ сувнинг таннарни 28.61 сўмга етади.

Йил давомида Давлат насослари ёрдамида 112.8 млн м³ сув чиқариб берилади, бу мақсад учун 8.2 млн кВт электр энергия ёки 688.1 млн сўм маблағ сарфланади. Насос билан суғориладиган 1 гектар майдоннинг йиллик сув таъминоти учун 159,4 минг сўм пул маблағлари сарфланади.

Хўжалик ички насослари ёрдамида 24,9 млн м³ сув чиқарилиб бунинг учун 5.1 млн кВт соат эл.энергия учун 0.5 млрд сўм пул маблағлари сарфланади.

2013-йилдан бошлаб тумандаги “Кулчара” ва “Қорасув” хўжалик ички насос станциялари электр энергия таъминоти давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги ПФ-3932-сонли “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2007 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-718 сонли қарори асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти томонидан 2008-2012 йилларга белгиланган Давлат дастурига кўра 11 та лойиҳа асосида 1918,1 млн сўмлик ишлар бажарилди, бунинг натижасида фермер хўжаликларининг 3418 гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

2013 йилги Давлат дастурига 21 та лойиҳа тасдиқланди, шундан 7 та лойиҳа реконструкция ва янги қуриш ҳамда 14 та лойиҳа таъмирлаш-тиклаш объектларида 10.3 млрд сўм пул маблағ ажратилиши белгиланган. Бу маблағлар билан 540,6 км масофадаги мелиоратив объектларни тамирлаш

режалаштирилган. Ушбу дастур амалга ошириши натижасида 333 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2012-йил 22-октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб суғориш тизимини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқариш учун ушбу фармонда фермер хўжаликлари томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этишда қулайликлар яратиш мақсадида Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 5 фоизлик имтиёзли кредитлар берилиши ва 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши кўзда тутилди.

Хусусан суғоришнинг замонавий ва самарали усулларида фойдаланиш бўйича Иштихон туманида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда, жумладан 2011-2012 йиллар давомида 31,0 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими жорий этилган. Ушбу тизимдан боғ ва ток, сабзавот каби қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланилмоқда ва юқори ҳосилдорликка эришилди.

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органи ҳисобланади ҳамда ўзига тегишли юкланган вазифалар ва функцияларни тегишли туман ҳудудида амалга оширади..

Булим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати қарорларига ва Вазирлик буйруқларига, вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимлиги қарорларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади:

Куйидагилар булимнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Селекция, уруғчилик ва агротехнологияларн яхшилаш ишларини ташкил этиш;

Қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришни янги технологияларини жорий этиш;

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида ижара ва пудрат муносабатларини ривожлантирилиши ишларини ташкил этиш ва мониторингини юритиш;


Фермер хўжалигини кенг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмаси ривожлантирилишини ташкил этиш;

Ер ва сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

1-расм

Иштихон тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими фаолияти давомида бажарадиган асосий вазифаларнинг таркиби



Туман қишлоқ ва сув хўжалиги сувдан фойдаланувчилар бўйича сув фойдаланиш лимитларини белгилашга доир таклифлар тайёрлаш, бозор принциплари ва механизмлари амалга оширилишига, шунингдек сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя қилишига кўмаклашиш;

Лимитланган сувдан тежаб фойдаланганлиги учун туман сувдан фойдаланувчилари рағбатлантирилишини ташкил этиш;

Сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилишда қатнашиш;

Сув истеъмолчилари уюшмаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларини таъминлаш, уларни ташкил этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

Хўжалик ички гидромелиорация тизимларини, сувни ҳисобга олиш тизимларини таъмирлаш ва ривожлантириш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

Илғор тажрибани илмий тадқиқотлар, ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини ташкил этиш;

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилиши мониторингини ташкил этиш;

Наслчилик ишларини, ветеринария ва сервис хизматларини ривожлантириш, шунингдек чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Мутахассислар, малакасини оширишни ташкил этиш.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. Суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг зарурияти

Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосини суғорма деҳқончилик ташкил этиши боис сувдан самарали фойдаланиш аҳамияти ортиб боради. Бунни қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўриш мумкин. Жумладан, узоқ йиллик мавжуд экин майдонлари таркибини ҳисобга оладиган бўлсак, республика бўйича қишлоқ хўжалигида экинларни суғориш учун йилига ўртача 55 млрд. м³ сув талаб этилади. Бу кўрсаткич Марказий Осиё давлатлари бўйича истеъмол қилинадиган сувнинг деярли ярмига тенг бўлиб, мамлакатимизга сув ресурсларининг кўп қисми трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўпланади. Шунингдек, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 98 фоизини суғориладиган ерлар ташкил қилган ҳолда, республикада сарфланадиган сув ресурсларининг 85 фоизи айнан шу соҳада истеъмол қилинади. Дарҳақиқат, республикамызда сарфланадиган сув ресурсларининг 90 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келар экан, сувдан самарали фойдаланиш, уни адолатли тақсимлаш, сув сарфини камайтириш бўйича илғор тажриба ва усуллардан унумли фойдаланиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Орол денгизи ҳавзасида шаклланадиган жами сув ресурсларининг атиги 10 фоизга яқини Ўзбекистон ҳудудига тўғри келишини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати қанчалик долзарб эканлигига янада ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Амударё ҳавзаси бўйича сув ресурсларининг 6,6 фоизи, Сирдарё ҳавзаси бўйича эса 17,7 фоизи шаклланади (1-жадвал).

Сув ресурсларининг трансчегаравий характерда эканлиги оқилона ташқи сиёсатни юритиш лозимлигини талаб қилгани ҳолда, бугунги кунда

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги мавжуд бўлган сув ҳажмлари қуйидаги ҳужжатларга асосан тақсимланган:

1-жадвал

Орол денгизи ҳавзасидаги давлатлар ҳудудларида сув ресурслари шаклланишининг тахминий ҳажми, (км³)²

Ўрта Осиё давлатлари	Амударё ҳавзаси бўйича		Сирдарё ҳавзаси бўйича		Орол денгизи ҳавзаси бўйича, жами	
	Сув ҳажми	Салмоғи, (%)	Сув ҳажми	Салмоғи, (%)	Сув ҳажми	Салмоғи, (%)
Афғонистон	22,2	28,3	0,0	0,0	22,2	19,4
Тожикистон	44,2	56,4	0,4	1,1	44,6	38,9
Туркменистон	2,8	3,6	0,0	0,0	2,8	2,5
Ўзбекистон	5,1	6,6	6,4	17,7	11,5	10,1
Қирғизистон	4,0	5,1	26,8	74,3	30,8	26,9
Қозоғистон	0,0	0,00	2,5	6,9	2,5	2,2
Жами	78,3	100,0	36,1	100,0	114,4	100,0

Умумий тақсимот 1983-1984 йилларда ишлаб чиқилган “Амударё ва Сирдарё ҳавза схемаларига” асосан амалга оширилади. Мазкур ҳужжатга асосан Ўзбекистон учун жами 71,69 млрд. м³ сув белгиланган. Мазкур сув ресурслари миқдори шаклланиш манбалари бўйича қуйидагича кўринишга эга. Жумладан: – дарёлардан 58,6 млрд. м³ (81,7 фоиз), шундан ички дарёлардан 1147 млрд. м³ (19,6 фоиз); ер ости сувларидан 10,07 млрд. м³ (14,0 фоиз); зовур ва оқава сувларидан 3,02 млрд. м³ (4,3 фоиз).

Амударё сувларининг тақсимоти бўйича 1986 йил қабул қилинган баённомага (Собиқ Иттифоқ мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-техник кенгашининг 1987 йил 10 сентябридаги 566-сонли баённомаси) асосан умумий сув ҳажми 61,5 млрд. м³ эга бўлган Амударё суви қуйидагича тақсимланган: Тожикистонга – 9,5 млрд. м³ (15,5 фоиз); Туркменистонга – 22,0 млрд. м³ (35,8 фоиз); Ўзбекистонга – 29,6 млрд. м³ (48,1 фоиз).

² Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти маълумотлари (www.iwmi.org/centralasia).

Айни мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида амалдаги сув оқими “Керки” гидростида 50 фоизга 50 фоиз қилиб белгиланган.

Фарғона водийсида жойлашган кичик дарёларнинг сув ҳажмлари 1981 йил 2 июнда Собиқ Иттифоқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус баённомага асосан тақсимланади. Андижон ва Туямўйин сув омборидан чиқадиган ва бошқа давлатлараро каналлардаги сув ҳажмининг тақсимоли тегишли лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашда амалга оширилган. Бу ҳужжатларнинг барчасида 1992 йил 18 февралда Алмата шаҳрида тузилган “Давлатлараро сув манбаларидаги сув ресурсларини биргаликда бошқариш ва муҳофаза қилиш” ҳақидаги битим кучда қолганлиги эътироф этилган.

Айни пайтда республикаимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда сувдан фойдаланишнинг энг қуйи бўғинида ҳам қатор янги тизимлар жорий этилди. Бундай тизимлардан бири Сув истеъмолчилари уюшмаларини (СИУ) ташкил этиш ҳисобланади.

СИУлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 январдаги 8-сонли “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 72-моддаси талаблари доирасида нотижорат, нодавлат ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, асосан, ўз фаолиятини сув истеъмолчиларининг тўловлари ҳисобига молиялаштиради.

СИУлар сув хўжалиги қуйи тизимидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имконини беради ва собиқ ширкат хўжаликлари тасарруфидаги ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш, ташкил қилинган фермер хўжаликларига ўз вақтида талаб қилинадиган сувни етказиб бериш вазифаларига хизмат қилади.

СИУлар, асосан, аниқ ирригация-мелиорация тизимига боғлиқ бўлган сув истеъмолчиларнинг ўз хоҳиши билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нотижорат ва нодавлат ташкилотдир. Яъни, Сув истеъмолчилари уюшмаси муайян миқдорда сув олиш, ундан самарали фойдаланиш ва оқовага чиқариш билан боғлиқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчиларининг бирлашмасидир.

Қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчилари чекланган миқдордаги сувни олиш, ундан ва ички сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ хўжалик ҳамда бошқа фаолиятларини амалга оширувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари ҳисобланадилар.

СИУларни ташкил этишдан мақсад қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг энг қулай бўғинида адолатли сув тақсимоли ва ирригация-мелиорация тармоқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали уюшма ҳудудида сувдан самарали фойдаланиш учун истеъмолчиларнинг техник-молиявий имкониятларини бирлаштиришдан иборат.

Бунда мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишда СИУлар фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар, технологик-иқтисодий омиллар ва молиявий-иқтисодий омиллар орқали ифода этиш мумкин.

Фермер хўжаликларининг мулкка, етиштирилган маҳсулотга мулкдор сифатида эгаллиги, мустақил меҳнат қилишга бўлган иштиёқнинг юқорилиги, деҳқоннинг ўз ерида меҳнат қилиши натижасида қўлга киритаётган даромади ўз оиласи фаровонлигининг асоси эканлигини эътироф этган ҳолда хусусий мулкнинг қонун ҳимоясига олиниши билан бирликда қишлоқ хўжалигида ер ва сувни хусусийлаштириш имконияти мавжуд эмаслиги масалани ечишнинг муқобил йўллари қидиришга олиб келди. Бундай шароитда СИУлар фаолиятини йўлга қўйиш объектив заруриятга айланди. Бунда қуйида ҳолатларда кўриш мумкин:

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган барча мол-мулк хусусий бўлган вазиятда (ер ва сувдан ташқари) фаолият юритувчи фермер ва деҳқон хўжаликларига экинларни суғориш учун сув етказиб бериш тизимида ҳам давлат мулки салмоғини камайтириш зарурати пайдо бўлди. Чунки, мулкнинг ишлаб чиқарувчидан узоқлашиб бориши самарасиз сарфларга олиб келиши, ресурслар қайтими камайишини давлат мулкчилиги тизими исбот қилган. Бу муаммони назарий жиҳатдан СИУлар орқали ҳал этиш имконияти анча кенг. СИУ қуйи бўғинда сувни тақсимлаш масаласини демократик асосда бошқариш ва бу жараёнга бевосита сув истеъмолчиларини жалб қилиш имкониятини беради;

– йирик суғориладиган экин майдонларига эгалик қилувчи паст рентабелли ва сурункали зарар билан фаолият юритиб келган ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши оқибатида мавжуд суғориладиган ерлардан фойдаланиш эгалик ҳуқуқини олган сув истеъмолчилари бўлган субъектлар сонининг кўпайиши натижасида сувдан фойдаланиш қуйи бўғинида турли низоли муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш;

– қуйи бўғиндаги ирригация-мелиорация тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг етишмаслиги боис сув истеъмолчилари маблағларининг бир қисмини жалб қилиш ҳисобига сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш;

– сув истеъмолчилари бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларининг географик жиҳатдан турлича жойлашуви (собик ширкат хўжаликларининг алоҳида бўлимлари, участкалари бўйича жойлашуви) мавжуд ирригация-мелиорация тизимларига нисбатан турлича вазиятни пайдо қилади. Масалан, баъзи фермерлар ариқнинг юқори қисмида, бошқалари қуйи қисмида жойлашганлиги туфайли суғориш суви манбаига яқин-узоқлиги сув ресурсларининг вегетация давомида нотекис тақсимотини келтириб чиқаради. Ариқнинг юқори қисмидаги фермерлар кўпроқ сув олишга ҳаракат қилишса, қуйидаги фермерлар вазияти янада ёмонлашади. Бу муаммони сув

истеъмолчилари мустақил равишда ўзлари ҳал этиши мумкин эмас ва СИУлар фаолияти мазкур вазиятда ҳам заруратга айланади;

– ёнма-ён жойлашган ва ҳар бири мустақил бўлган сув истеъмолчиларининг вегетация давридаги сув сарфи миқдорини ҳисобга олиш зарурати тобора ортиб бормоқда. Айниқса бугунги кунда замонавий сув ўлчаш асбобларининг етарли эмаслиги, сув ўлчаш тизимидаги техник муаммолар ҳар бир ҳудудда мавжуд хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ёндашишни тақозо этади. Бу вазиятда ирригация тизимини техник модернизациялашга маблағ жалб қилишни, ундан самарали фойдаланишни тартибга солувчи субъект сифатида СИУлар аҳамияти бекиёсдир;

– кўпчилик ҳолатларда фермер хўжаликларига ажратиб берилаётган сув миқдорлари кўз билан чамалаб, тажрибаларга асосланиб тақсимланади. Натижада бу сув исрофгарчилигига ва сув танқис бўлган йилларда эса турли ижтимоий номақбул бўлган низоларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга сувдан фойдаланиш назоратини олиб боришни қийинлаштиради. Чунки, Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан мунтазам равишда хўжаликларда сувдан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш имконияти мавжуд эмас. Мазкур ҳолатда ҳам СИУлар фаолияти ўрни бекиёс;

– СИУлар ўз молиявий ва моддий-техника ресурслари ҳисобига ички хўжалик суғориш тармоқларини техник эксплуатация қилиш ва сувдан фойдаланишни ташкил этиш масаласини ҳал этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, СИУларнинг сув хўжалиги тармоқларидан фойдаланиш кўрсаткичлари давлат ташкилотларига нисбатан кўпроқ самара беради. Жумладан, сув тақсимотини тезкор, объектив амалга ошириш, эксплуатация ва таъмирлаш харажатларни нисбий камайтириш имконини беради;

– қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг қуйи бўғинида СИУлар фаолияти зарурияти кўп жиҳатдан мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, бундай хусусиятлар қаторига қуйидагилар киради:

– республикамизнинг суғориладиган деҳқончилик шароитида сув ресурслари аҳамияти беқиёслиги билан биргаликда, суғориш учун яроқли сув захираларининг талабга нисбатан анча камлиги;

– аҳоли сонининг кўпайиб бориши оқибатида ва экин майдонларининг турли сабабларга кўра муомаладан чиқиб кетиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонларининг камайиб бориши;

– глобал иқлим ўзгариши таъсири сифатида ва умуман турли табиий офатлар, қурғоқчилик оқибатида қишлоқ хўжалигида суғориш суви балансининг бузилиши кузатилаётган бир пайтда республикамизга оқиб келадиган сув манбаларининг трансчегаравий дарёлар билан бевосита боғлиқлиги.

Шу билан биргаликда сув хўжалиги қуйи тизимида қишлоқ хўжалиги корхоналарига зарур пайтда етарли миқдорда сув етказиб бериш, сувни адолатли тақсимлаш, уни тежаш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий, иқтисодий ва молиявий муносабатларни СИУлар доирасида тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув етказиб берувчи ва сув истеъмолчилари ўртасидаги сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро ички хўжалик иқтисодий, шартномавий муносабатлар талабга жавоб бермаслиги СИУлар фаолияти самарадорлиги пасайишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда қуйи бўғинда ҳам сув хўжалиги тизимини тартибга солишда ва молиялаштиришда давлат иштирокининг зарурияти сақланиб қолмоқда. Чунки мавжуд ирригация ва мелиорация тизими объектларини сув истеъмолчилари маблағлари ҳисобига нафақат таъмирлаш, балки модернизация қилиш ҳам жуда катта молиявий қийинчиликлар билан боғлиқлиги туфайли тўхтаб қолиши мумкин.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида республикамиз ҳудудларида сув танқислиги ҳолатларининг тез-тез кузатилиши, дунёнинг деярли барча малакатларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш

муаммоси кўтарилаётганлиги сувнинг аҳамиятини янада оширади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4041-сонли Фармони юқоридаги муаммони ҳал этишда муҳим тадбир ҳисобланади.

Фармон ижроси сув таъминоти ёмон бўлган ерларда пахта етиштириладиган майдонларни қисқартиришни кўзда тутган ҳолда, сув танқислиги кузатилаётгани сабабли қишлоқ хўжалигида сувдан оқилona ва тежамкорлик билан фойдаланишни рағбатлантириш, сувдан қайта фойдаланишни, сувни тежашнинг замонавий техник-технологик усулларини, агротехник тадбирларни жорий этишни, қуйи бўғинда сув сарфини назорат қилишни тақозо этади. Табиийки, бу тизимда СИУлар аҳамияти ва масъулияти янада ортади.

Хулоса қилиб айтганда, суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг объектив зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- республика деҳқончилик тизими тўлиғича сунъий суғоришга асосланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги такомиллашмаган сув хўжалиги тизимисиз (йирик сув омборлари, ирригация-мелиорация тизимлари, насос станциялари, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, электр узатиш линиялари, алоқа линиялари ва бошқа объектлар) самарали фаолият юрита олмайди;

- мамлакатимизда сув ресурслари шаклланишининг манбаси асосан қўшни давлатлардан оқиб келадиган трансчегаравий сув ресурсларидир. Бу ҳолат албатта сув таъминотида давлатлараро сиёсий ҳамжиҳатлик қилишни талаб қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи сув хўжалиги мамлакат аграр секторида ер-сув комплекси билан ажралмаган ҳолда шаклланади;

- республикада сув ресурслари минтақаларда нотекис равишда тақсимланган, шунинг учун мақсадли давлат бошқарувини зарурият қилиб қўяди;

- Сув хўжалиги тизими АСМнинг таркибий қисми сифатида уни эксплуатация ва қайта ишлаб чиқариш учун доимий йирик инвестицияларга мухтож. Бу муаммони эса фақат давлат бошқаруви даражасида ҳал қилиш мумкин;

- қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг катта қисмини тупрок шўрланиши ва ер ости сувлари даражасини пасайтириш бўйича фақат умумдавлат доирасида йирик мелиоратив тадбирларларни ўтказишни зарурият қилиб қўяди. Чунки, ҳозирга келиб республикадаги шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг 66 фоизини, шу ҳисобда кучсиз шўрланган ерлар 33,9 фоиз, ўртача шўрланган 19,4 фоиз ва кучли шўрланган ерлар 12,6 фоизни ташкил қилади;

- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари хусусий сув истеъмолчилари, фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг ошиб кетиши билан янада кескинлашди;

- сув ресурслари ҳажмининг нисбатан камаётганлиги шароитида унга нисбатан пайдо бўлаётган қўшимча талабларнинг кўпроқ қишлоқ хўжалигига берилаётган сув ҳисобидан қондирилмоқда ва ҳ.к.

2. Қишлоқ хўжалик ерларида истеъмол қилинган сувдан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили

Сувдан фойдаланиш масалаларига бозор муносабатларидан келиб чиқиб, ёндашиш тартиблари ҳам аста-секинлик билан жорий қилинмоқда. Чунки, бугунги ўтиш даврида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида мужассамланиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига ўтиши, сувдан фойдаланишга, уни тақсимлашга янгича ёндашишни тақоза этмоқда. Дарҳақиқат, Сув

иншоотлари асосан давлат тасарруфида, сув истеъмолчилари уюшмалари нодавлат шаклидаги хўжалик юритиш субъектлари бўлгани учун биринчи навбатда, улар орасидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатлар механизмини такомиллаштириш зарур. Шунингдек, сув учун тўловлар, сувнинг баҳоси ва сув ресурсларини тақсимлаш механизми ҳам бозор муносабатларига мослаштирилиши лозим. Тўғри, нодавлат шаклда тузилган сув истеъмолчилари уюшмаси фаолияти, юқоридаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Аммо, сув баҳосининг ниҳоятда арзонлиги, сув исрофгарчилиги учун иқтисодий жазо механизми ишлаб чиқилмаганлиги сув ресурслари ва сув хўжалиги мажмуаси самарадорлигини пастлигига бўлишига сабаб бўлмоқда.

Сув хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи-назардан қаралганда иқтисодий муносабатлар бошқа тармоқларга нисбатан ўзгача намоён шаклланади. Бу тизимда иқтисодий муносабатлар таҳлил қилинганда, асосан икки муносабат алоҳида эътибор қаратилишини талаб этилади.

Биринчиси, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш муносабатларида сувдан пуллик ёки пулсиз асосда фойдаланиш масаласи. Тарихга эътибор берсак, собиқ иттифоқ даврида қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчиларга «бир умрга бепул фойдаланишга» берилган. Натижада, сув хўжалигини маблағлар, ресурслар билан таъминлашни давлат бутунлай ўз зиммасига олган. Оқибатда сувнинг текинлиги унинг кадрсизлигини юзага келтириб, қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланиш жараёнида аста-секинлик билан лоқайдлик кайфияти уйғонган. Чунки сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини берувчи иқтисодий механизм шаклланмаган ва ишламаган.

Бугунги кунда республикамізда аграр иқтисодий ислохотларнинг бориши жараёнида хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига ўтилиши ва мулкка эгалик муносабатлари ўзгараётганлиги сабабли сув хўжалиги тизими учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ миқдори ҳам аста-секин камайиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун тизимда сув

ресурсларидан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувчи механизмларни ривожлантириш талаб этилади.

Республикамизда ҳозирда суғорма дехқончиликни сув билан таъминлаш пулсиз амалга оширилмоқда. Сув истеъмолида сувдан фойдаланиш текин бўлиши, таъкидланганидек, сув истеъмолчиларининг сув сарфига нисбатан бефарқ бўлишига ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишдан манфаатдор эмаслигига олиб келадиган ҳолатларга қарши курашиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда йилига ўртача 60 млрд куб метр сув истеъмол қилинади, унинг 90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигида, қолган қисми эса аҳоли таъминоти, саноат, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида истеъмол қилинади.

Мамлакатимизда фойдаланилаётган сув ресурсларининг 10-12 фоизигина Республикамиз ҳудудида шаклланади, қолган 88-90 фоизи қўшни давлатлардан оқиб келади. Шунинг учун ҳам истеъмол қилинаётган сувни тежаш ва самарали фойдаланиш масаласи ҳар бир хўжалик олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан ҳар бир хўжаликда сув билан таъминланиш ва айниқса ундан фойдаланиш ахволидан хабардор бўлиб туриш зарур. Шунинг учун сувдан фойдаланиш даражасини узлуксиз равишда таҳлил қилиб туриш орқали қўйилган мақсадга эришиш мумкин.

Сув билан таъминланиш даражасининг таҳлили ҳам ҳисобот ва базис йиллардаги кўрсаткичларни ўзаро солиштириб, фарқини аниқлашдан бошланади.

Ҳисобот йилидаги сув билан таъминланиш даражаси кўрсаткичини базис йилидаги ёки режалаштирилган кўрсаткич билан солиштириб унинг ўзгариши мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда аниқланади. Сўнгра омилларнинг таъсири аниқланиб, сув билан таъминланиш даражасига баҳо берилади.

Сув билан таъминланиш даражаси (СТД) сарф бўлган жами сув (минг куб метр ҳисобидаги) ҳажмини (ЖСХ) жами майдонга (ЖМ) бўлиш орқали аниқланади:

$$\text{СТД} = - \frac{\text{ЖСХ}}{\text{ЖМ}}$$

Ушбу кўрсаткич 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажмини ифодалайди.

Ҳисобот йилида 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажмини режадаги ёки ўтган йилда сарф бўлган сув ҳажмига солиштириб, сув билан таъминланиш даражасининг ўзгариши аниқланади:

$$\frac{\text{ЖСХ}_1}{\text{ЖМ}_1} - \frac{\text{ЖСХ}_0}{\text{ЖМ}_0} = \pm \Delta_{\text{ЖМ, ССХ}}$$

Ушбу ўзгариш қуйидаги икки омил ҳисобига юзага келади.

- 1) Жами майдон ўлчамининг ўзгариши ҳисобига;
- 2) Сарф бўлган сув ҳажмининг ўзгариши ҳисобига.

Ер майдон ўлчами ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун 1 гектар майдонга сарф бўлган шартли сув ҳажми кўрсаткичидан базис йилидаги (ёки режадаги) кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\text{ЖСХ}_0}{\text{ЖМ}_1} - \frac{\text{ЖСХ}_0}{\text{ЖМ}_0} = \pm \Delta_{\text{ЖМ}}$$

Сарф бўлган сув ҳажми бўйича ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида 1 гектар майдонга сарф бўлган сув ҳажми кўрсаткичидан шартли сув ҳажми кўрсаткичини чегириб ташлаш керак:

$$\frac{\text{ЖСХ}_1}{\text{ЖМ}_1} - \frac{\text{ЖСХ}_0}{\text{ЖМ}_1} = \pm \Delta_{\text{ЖСХ}}$$

Шу икки омил таъсирларининг йиғиндиси сув билан таъминланиш кўрсаткичининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак. Шундан сўнг омиллар таъсирига баҳо берилиб, имкониятлар кўрсатилади.

Таҳлил жараёнида сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг ўзгаришига алоҳида эътибор бериш зарур.

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда ҳам бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ушбу кўрсаткич 1 минг м³ сув ҳажми ҳисобига олинган маҳсулот ҳажми билан ифодаланади. Буни аниқлаш учун 1 гектардан олинган маҳсулот миқдорини (X), 1 гектар учун сарф бўлган сув ҳажмига (CC) бўлиш керак:

$$C = \frac{X}{CC}$$

Бунда, C - сувдан фойдаланиш кўрсаткичи (1 минг кубометр сув ҳисобига олинган маҳсулот).

Ҳисобот йилидаги сувдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичидан базис йилидаги кўрсаткичини чегириб ташлаш орқали унинг ўзгариши (ошган ёки камайганлиги) аниқланади:

$$C_1 - C_0 = \frac{X_1}{CC_1} - \frac{X_0}{CC_0} = \pm \Delta_{CC,X}$$

Формуладан кўриниб турибдики, сувдан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг ўзгаришига икки омил таъсир қилади:

- 1) 1 гектар майдон ҳисобига сарф бўлган сув ҳажмининг ўзгариши;
- 2) 1 гектар майдондан олинган маҳсулот ҳажмининг (миқдорининг) (ёки ҳосилдорликнинг) ўзгариши.

Сувдан фойдаланиш самарадорлигининг ошишига икки омил ҳам ижобий таъсир қилади. Икки омилнинг ижобий таъсири остида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигининг даражаси ҳисобот йилида базис йилига нисбатан ошишини кузатиш мумкин.

Умуман олганда таъкидланган омиллар сув ресурсларидан тежамли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиши боисдан, сув хўжалиги тизимида бозор тамойилларини жорий этишга комплекс ёндашиш талаб этилади. Бундай ёндашув асосини сувни тежашга, уни исроф қилишга қарши иқтисодий чоралар билан биргаликда, сув етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатларни сув истеъмолчилари томонидан қоплашнинг мақбул нисбатларини ўз ичига олиши лозим.

3. Туман фермер хўжаликларининг фаолияти ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш ҳолати

Республикамизда қишлоқ хўжалигидаги олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, айниқса ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада мавжуд суғориладиган ва лалми ерлардан унумли фойдаланиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ҳимоя қилиш ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур ислохотлар натижасида, хусусан ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари - фермер ва деҳқон хўжаликларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида устувор субъектлар сифатида танлаб олинишига сабаб бўлди. Шунингдек, мазкур субъектларни бошқариш тизимини яратиш ва улар фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўзгариши ҳисобига халқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган суғориладиган ерларга бўлган эътибор кундан-кунга кучаймоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги кооператив(ширкат)ларни фермер хўжаликларига айлантириш тадбирларини амал ошириш ниҳоясига етди. Хусусий фермер хўжаликлари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор - ер эгаси пайдо бўлди.

Сўнгги йилларда фермер хўжаликларининг ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш), изчил ва аниқ мақсадга

йўналтирилган ҳолда, улар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йириклаштирилган, янада барқарор фермер хўжаликларини шакллантириш, уларнинг молиявий маблағларини сезиларли даражада ошириш, ер-сув ресурслари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ўз навбатида уларнинг ташкилий-иқтисодий фаолиятини самарадорлиги янада ошди.

2008-2009 йилларда амалга оширилган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг ўтказилиш жараёнида кузатилган камчиликлар ва эришилган ижобий натижалар чуқур таҳлил қилингани ҳолда 2010 йилда мазкур тадбирларнинг янги бир босқичи бошланиб юборилди. Яъни, фермерларни ернинг ҳаққоний эгалари сифатида холис ва ошкора танлаб олиш, шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжаликларнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликларининг ер участкалари ҳажмларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли Фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ер майдонларини мақбул ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи комиссиялар билан ишлар олиб борилиб,

фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш ишлари якунланди.

Республикамиз миқёсида олиб борилган мақбуллаштириш якунларига кўра, фермер хўжаликлар сони 66134 тани, шу жумладан пахта-ғаллачилик йўналишида 35896 та, чорвачилик йўналишида 5329 та, боғдорчилик ва узумчилик йўналишида 16820 та, сабзавотчилик-полизчилик йўналишида 3647 та ҳамда бошқа йўналишда 4442 та ни ташкил қилди.

Республикамизда 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 5987,8 минг гектарни, шу жумладан экин ерлар 3603,0 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 286,8 минг гектар, бўз ерлар 47,2 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1387,1 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 663,7 минг гектарни ташкил қилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фермер хўжаликларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тадқиқот объекти бўлган Самарқанд вилояти Иштихон туманида ҳам амалга оширилган бўлиб, унинг натижасида 2012 йил 1 январь ҳолатида жами 538 та фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Фаолият кўрсатаётган 285 та фермер хўжалиги, яъни жами фермер хўжаликларининг 53 фоизи асосан пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳисобланади (2-жадвал).

Туманда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъект сифатида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишлари асосида 2008-2010 йилларда туманда фермер хўжаликлари экин майдонларини муқобиллаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда биринчи муқобиллаштириш тадбирларидан сўнг 2010 йил 1 октябрь ҳолатида 707 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган бўлса, иккинчи мақбуллаштиришдан сўнг 538 та фермер хўжаликлари қолди.

**Самарқанд вилояти Иштихон туманида мақбуллаштириш натижасида
фермер хўжаликларининг сони (2012 й. 01.01.)**

№	ММТПлар номи	Жами фермер хўжалик- лари сони	шу жумладан							
			пахта- ғаллачилик йўналишидаги		сабзавот- полизилик йўналишидаги		боғдорчилик- узумчилик йўналишидаги		бошқа йўналишидаги	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	Кайчили механизатори	31,0	15	48,4		0,0	7	22,6	9	29,1
2	Техника сардори	28,0	21	75,0	1	3,6	2	7,1	4	14,2
3	Ровот кўргони	16,0	9	56,3		0,0	3	18,8	4	25,1
4	Оқчурогоси бахори	28,0	21	75,0		0,0	2	7,1	5	17,8
5	Минглар кўргони	20,0	12	60,0		0,0	2	10,0	6	30,0
6	Нурли қайнар булок	16,0	12	75,0		0,0	2	12,5	2	12,6
7	Сариқтапа техникалари	16,0	11	68,8		0,0	4	25,0	1	6,3
8	Мопар техника	22,0	16	72,7		0,0	1	4,5	5	22,7
9	Митан истиклол	23,0	9	39,1		0,0	9	39,1	5	21,7
10	Бешлик жавоҳири	18,0	8	44,4		0,0	9	50,0	1	5,6
11	Одилов Шариф	34,0	18	52,9		0,0	14	41,2	2	5,9
12	Бойлар техника	20,0	13	65,0		0,0	4	20,0	3	15,0
13	Меҳнат-Роҳат	57,0	23	40,4	2	3,5	30	52,6	2	3,5
14	Бахрин қаҳрамони	23,0	13	56,5		0,0	7	30,4	3	13,0
15	А.Навоий	26,0	20	76,9		0,0	4	15,4	2	7,6
16	М.Жўраев	50,0	25	50,0		0,0	18	36,0	7	14,0
17	Зарбанд мевалари	21,0	17	81,0		0,0	4	19,0		0,0
18	Жонроҳат механизатори	30,0	5	16,7	2	6,7	21	70,0	2	6,7
19	Қурлисой мадаткори	24,0	8	33,3	2	8,3	14	58,3		0,0
20	Қурлисой техникалари	19,0	6	31,6		0,0	13	68,4		0,0
21	Ҳасан Ҳусан узумлари	15,0	3	20,0	1	6,7	10	66,7	1	6,7
	Ўрмон хўжалигидан	1,0		0,0		0,0		0,0	1	100,0
21	Туман бўйича ЖАМИ	538,0	285,0	53,0	8,0	1,5	180,0	33,5	65,0	12,1

Мазкур фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришлари учун жами 39270 гектар экин майдони ажратиб берилган. Ўртача бир фермер хўжаликларига тўғри келадиган экин майдони 55,5 гектардан 73,0 гектарга кўпайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, пахта-ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларидан ташқари энг юқори улуш боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига тўғри келгани ҳолда жами фермер хўжаликларининг 33,5 фоизини (180 та) ташкил қилади.

Иштихон туманида 2008-2010 йилларда олиб борилган пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг таҳлиллари кўрсатишича, 2008 йилда, яъни мақбуллаштиришнинг 1-босқичида жами фермер хўжаликлари 1253 тани ташкил қилгани ҳолда, унинг 1026 таси, яъни 81,9 фоизининг экин ерлари 30 гектаргачани ташкил қилган. 3,5 фоизи, яъни 44 тасининг экин ерлари 31-60 гектаргачани, 14,6 фоизи, яъни 183 таси 61-100 гектаргача экин майдонини эгаллаб турган. Мазкур йилда 100 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмаган (3-жадвал).

3-жадвал

Иштихон туманида мақбуллаштириш натижасида пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдонларининг гуруҳланиши

№	Йиллар	Жами фермер хўжаликлари сони	шу жумладан							
			30 гектаргача		31 гектардан 60 гектаргача		61 гектардан 100 гектаргача		100 гектардан юқори	
			Фермер хўжаликлари сони	%	Фермер хўжаликлари сони	%	Фермер хўжаликлари сони	%	Фермер хўжаликлари сони	%
1	2008	1253	1026	81,9	44	3,5	183	14,6	-	-
2	2010	358,0	0	0	168	46,9	160	44,7	30	8,4
3	2012	285,0	0	0	80	28,1	146	51,2	59	20,7

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2008 йилда тумандаги пахта-ғаллачилликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг аксариятининг экин майдонлари 30 гектаргача майдонни эгаллаган.

Бу ўз навбатида, яъни кичик-кичик майдонларни эгаллаган фермер хўжаликларини бошқариш, уларни моддий-техник таъминотини яхшилаш, мавжуд барча ресурслардан самарали фойдаланишни назоратга олиш имкониятини чеклайди.

Шунинг учун ҳам юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2009 йилда фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш

тадбирларининг 2-босқичи натижаларига кўра, 358 та фермер хўжаликлари сақлаб қолинди. Мазкур йилда 30 гектаргача бўлган пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари йириклаштирилиб, жами фермер хўжаликларининг 168 таси 31-60 гектаргача, 160 таси 31-60 гектаргача, 30 таси эса 100 гектардан юқори бўлган экин майдонларини ташкил қилмоқда.

Сўнгги йилларда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари деҳқончиликни юритишда ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланиш, экинларнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли навларини яратиш, сув тежовчи технологиялар ва агротехник тадбирларни амалга оширишда қиммат ресурслар ўрнини босувчи муқобилларини кидириб топиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади. Айни пайтда республика бўйича суғориладиган ерларнинг 65 фоизига яқини турли даражада шўрланганлиги, тупроқ унумдорлиги даражасининг пасайиб бориши, ер ва сув ресурсларидан оқиллона фойдаланиш муаммоларини янада долзарблаштирмоқда.

Республикада суғориладиган ер майдонлари ҳудудлар доирасида нотекис жойлашган ва, айниқса, улар сифат даражаси жиҳатидан кескин фарқ қилади. Айрим ҳудудларда сув ресурслари фақат вегетация даврида талаб қилинса, бошқа ҳудудларда сув ресурслари қиш мавсумида ҳам шўр ювиш тадбирлари учун талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам сув ресурсларининг республика доирасида доимий мақсадли бошқаруви талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Шу жиҳатдан олганда туманда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш тадбирлари олиб борилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, туман қишлоқ хўжалигида пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Туман деҳқон, фермер хўжаликлари ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик билан ҳам шуғулланади.

Туманда қишлоқ хўжалиги ерлари 49142 гектарни ташкил этгани ҳолда 2008 йилда унинг 11000 гектари (22,4 фоизи) пахта экин майдони, 6814 гектари (13,8 фоизи) жами дон экинларига мўлжалланган, 11310 гектари эса (23 фоизи) яйловлардан ташкил топган, 4346 гектари (8,8 фоизи) мева-сабзавот экинлари бўлиб, қолган 15672 гектари эса (32,0 фоизи) бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини ташкил қилади (4-жадвал).

Туманда 2010-2012 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг ҳажми ўзгармагани ҳолда 24984,0 гектарни ташкил этади. Бу туман бўйича жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 50,8 фоизини ташкил этади.

4-жадвал

Иштихон туманида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг жойлашуви

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2010 йил	2012 йил	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш суръати	
					Фоииз	Фарқи, (+, -)
Жами қишлоқ хўжалиги экин майдонлари	гектар	49142,0	49142,0	49142,0	100,0	0,0
	%	100,0	100,0	100,0	x	0,0
Шу жумладан:						
Чигит экиладиган майдон	гектар	10240,0	10240,0	10240,0	100,0	0,0
	%	20,8	20,8	20,8	x	0,0
Дон экинлари майдони (жами)	гектар	8949,0	10130,0	10130,0	113,2	1181,0
	%	18,2	20,6	20,6	x	2,4 n-m
Яйловлар	гектар	11310,0	11310,0	11310,0	100,0	0,0
	%	23,0	23,0	23,0	x	0,0
Мева-сабзавот экин майдонлари	гектар	4410,0	5586,0	5586,0	126,7	1176,0
	%	9,0	11,4	11,4	x	2,4 n-m
Бошқалар	гектар	14233,0	11876,0	11876,0	83,4	- 2357,0
	%	29,0	24,2	24,2	X	4,8 n-m
Суғориладиган ерлар	гектар	24984,0	24984,0	24984,0	100,0	0,0
Қишлоқ хўжалиги экин майдонига нисбатан	%	50,8	50,8	50,8	x	0,0

Таҳлиллар кўрсатишича, 2012 йилда эса қишлоқ хўжалиги экин майдонларини жойлаштириш жараёнида, озиқ-овқат маҳсулотлар миқдорини ошириш мақсадида жами қишлоқ хўжалиги экин ерларининг 20,8 фоизи пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришга ажратилди, яъни 2008 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 пунктга камайтирилди. Аксинча дон экин майдонлари 2008 йилга нисбатан кенгайтирилган бўлиб, 2012 йилда бу майдонлар жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 20,6 фоизини ташкил қилгани ҳолда 2008 йилга нисбатан қарийб 7 пунктга оширилган. Худди шунингдек, мева-сабзавот экинлар майдони ҳам 2008 йилга нисбатан 2012 йилда қарийб 3 пунктга ошган.

Умуман олганда 2008-2012 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда экин майдонларини жойлаштириш тенденцияси асосан пахта экин майдонларини камайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини эса кўпайтириш ҳисобида амалга оширилган.

Бугунги кунда туманда 196800 нафар аҳоли истеъмол қилади. Юқори таъкидлангадек, аҳолининг ўсиб бориши, мазкур ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли жон бошига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш долзарб масалалардан саналади.

Шунинг учун ҳам туман аҳолисининг эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлили кўрсатишича, 2010 йилда сабзавот ишлаб чиқариш учун 945 гектар ажратилгани ҳолда мазкур йилда ялпи ҳосил 39520 тоннани ташкил этган. 2012 йилда эса сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳосилдорлиги бир мунчага ошган бўлиб, 463,8 ц/га ни ташкил қилгани ҳолда ялпи ҳосил 46762 тоннага ошган. Яъни 2012 йилда ялпи ҳосил 118 фоизга ошган.

Аҳоли жон бошига эҳтиёж 113,9 кгни ташкил этгани ҳолда, ишлаб чиқариш талабга нисбатан 24504 тоннани ташкил қилган.

Шунингдек, узум етиштиришда ҳам мазкур тенденция кузатилгани ҳолда, 4846 гектар ажратилган майдонда 2012 йилда 55875 тонна ҳосил

олинган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2259 тонна кўп маҳсулот етиштирилган. Аҳоли истеъмолига жон бошига 13,9 кг маҳсулот етказиб берилган.

Худди шунингдек, мева, полиз, картошка маҳсулотларини етиштириш ҳолатларида ҳам юқори қайд этилган ўзгаришлар кузатилади (5-жадвал).

5-жадвал

Иштихон туманида деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш динамикаси

тонна

№	Экин турлари	2008 йил	2010 йил	2012 йил	2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш суръати	
					Фоиз	Фарқи, (+, -)
1	Пахта	25786,0	26957,0	26892,0	104,3	1106,0
2	Дон маҳсулотлари	45589,0	49199,0	45253,0	99,3	-336,0
3	Сабзавот	39520,0	46742,0	50493	127,8	10973,0
4	Картошка	26715,0	29648,0	32699	122,4	5984,0
5	Полиз	7555,0	7905,0	9939	131,6	2384,0
6	Мева	13281,0	13604,0	16072	121,0	2791,0
7	Ўзум	53616,0	55875,0	58948	109,9	5332,0

Пахтачилик фермер хўжаликларида ғўза қатор орасига ишлов беришда ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш натижасида чигит экиладиган дала тупроғига ишлов бериш, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш пахта ҳосилдорлигини ошишига имконият яратмоқда. Аммо бу агротехник тадбирлардан фойдаланаётган фермер хўжаликлари кўп миқдорда моддий-техникавий харажатларни сарфламоқда, яъни бир гектар ерда ғўзани етиштириш учун 150-200 литр ёқилғи, 5000-6000 м³/га сувдан фойдаланиб 70-80 фоиз техникавий ишлар тупроққа ишлов беришга қаратилмоқда.

Самарқанд вилоятида пахтачилик мажмуасини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масаласида кенг ишлар олиб борилмоқда. Аммо вилоят пахтачилик фермер хўжаликларида пахта хомашёсини етиштириш маълумотлари таҳлил қилинганда ҳудудда илғор

фермер хўжаликларининг маҳсулот етиштиришни фойда билан чиққан бўлса, айрим фермер хўжаликлари ишлаб чиқариши молиявий зарар билан яқунлаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Самарқанд вилояти Иштихон туманининг «Мамадиёров Наби» ва «Абдуллаев Дўстмурод» илғор фермер хўжаликлари ҳамда «Фарҳод Ҳосилот Барака» ва «Сокин» колоқ фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари турлича бўлмоқда, (6-жадвал).

Жумладан, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги “Фарҳод Ҳосилот Барака” фермер хўжалигида 2009 йилда ғўза қатор орасига ишлов беришда биринчисини 6-8 см, кейингиларини 14-16 см чуқурликда, суғоришни қатор оралатиб 5 марта олиб борилганда пахта ҳосили гектарига ўртача 30,3 центнерни, 2011 йил ғўза қатор орасига ишлов беришни 4 марта ўтказилганда эса пахта ҳосили гектаридан эса пахта ҳосили гектаридан ўртача 26,1 центнер бўлди. Пахта хомашёсини етиштириш учун сарфланган харажатлар «Фарҳод Ҳосилот Барака» ва «Сокин» фермер хўжалигида моддий ресурслардан, жумладан уруғлик, ўғит сарфи, ёқилғи мойлаш сарфини анъанавий агротехнологияларни қўлланилаётганлиги ҳисобига ресурслардан тежамли равишда фойдаланилмаяпти.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, бир жойда ва имкониятлари тенг бўлган мазкур фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқланмоқда. Масалан, «Сокин» фермер хўжалигида 2011 йилда мавжуд 54,0 гектар экин майдонидан олинган даромад 117126 минг сўмни ташкил этган бўлса, «Мамадиёров Наби» фермер хўжалигида эса 2011 йилда 67,5 гектар экин майдонидан олинган даромад 224100 минг сўмни ташкил этганлиги кузатилади. Шунингдек, «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжалигида эса ресурстежовчи агротехнологияларни қўллаш ҳисобига моддий ва молиявий ресурслардан тежамли фойдаланишга эришилаяпти. «Фарҳод Ҳосилот Барака» фермер хўжалигида 2011 йил 2007 йилга нисбатан олинган фойда 1,8 мартага, «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжалигида эса 3,7 мартага ошган. «Фарҳод Ҳосилот Барака» фермер хўжалигида

**Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги айрим фермер
хўжаликларида пахта хомашёси етиштириш самарадорлик
кўрсаткичларининг таққослама таҳлили**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					2011 й. 2007 й. га нисб. %
		2007	2008	2009	2010	2011	
Илғор фермер хўжаликлари							
«Абдуллаев Дўстмурод» фермер хўжалиги							
Экин майдони	га	230,0	250,5	260,0	280,7	280,7	122,0
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	32,2	32,7	34,4	38,3	40,6	115,8
Ялпи ҳосил	тонна	740,6	817,5	895,0	1075	1139	138,6
Олинган даромад	млн. сўм	260,6	351,4	535,5	738,0	863,0	3,3 м
Жами сарф-харажатлар	млн. сўм	205,2	277,6	402,6	531,3	604,1	2,9 м
Олинган фойда	млн. сўм	57,3	73,7	129,9	206,7	258,9	3,7 м
Рентабеллик даражаси	%	28,2	26,8	32,3	38,9	42,8	1,6 м
«Мамадиёров Наби» фермер хўжалиги							
Пахта экин майдони	га	16,5	21,2	24,6	62,2	67,5	4,9 м
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	41,8	44,5	42,7	41,2	40,5	105,1
Ялпи ҳосил	тонна	68,9	94,3	118,1	256,2	273,3	3,9
Олинган даромад	млн. сўм	24,2	40,5	61,3	191,3	224,1	9,3
Жами сарф-харажатлар	млн. сўм	17,6	30,4	42,9	137,7	159,0	9,0
Олинган фойда	млн. сўм	6,5	10,1	18,3	53,6	65	10,0
Рентабеллик даражаси	%	37,2	33,3	38,8	38,9	40,8	1,1
Қолоқ фермер хўжаликлари							
«Фарход Ҳосилот Барака» фермер хўжалиги							
Экин майдони	га	40,4	45,6	58,0	63,2	63,2	156,4
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	25,2	24,8	30,3	25,6	26,1	103,5
Ялпи ҳосил	тонна	101,8	113,0	176,0	162,0	165	162,0
Олинган даромад	млн. сўм	35,8	48,5	90,1	97,2	131,3	3,6 м
Жами сарф-харажатлар	млн. сўм	32,2	45,1	85,6	93,8	124,8	3,8 м
Олинган фойда	млн. сўм	3,6	3,4	4,5	3,4	6,6	183,3
Рентабеллик даражаси	%	11,1	7,5	5,3	3,6	5,3	-2,9 м
«Сокин» фермер хўжалиги							
Экин майдони	га	18,0	23,5	29,3	49,0	54,0	3,0 м
Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	21,2	22,3	20,5	21,0	20,7	97,6
Ялпи ҳосил	тонна	38,1	52, 4	60,6	102,9	111,7	3,1
Олинган даромад	млн. сўм	13,4	22,5	30,2	69,9	78,8	5,8
Жами сарф-харажатлар	млн. сўм	10,9	18,0	24,6	59,4	66,2	6,0
Олинган фойда	млн. сўм	2,4	4,5	5,5	10,5	12,6	5,2
Рентабеллик даражаси	%	21,9	25,0	22,5	17,6	19,0	0,8 м

2007 йилда ишлаб чиқаришни рентабеллик даражаси 11,1 фоизни, 2011 йилда бу кўрсаткич 5,3 фоизни ташкил этган. «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжалигида эса, 2007 йилда рентабеллик даражаси 28,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил келиб, бу кўрсаткич 42,8 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Иштихон туманининг «Фарҳод Ҳосилот Барака» ва «Сокин» фермер хўжаликларида анъанавий агротехнологиялар қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги сезиларли ҳажмда ошмаслиги ва рентабеллик даражасини меъёрга нисбатан ошмаслигидан далолат бермоқда. Ушбу тумандаги «Мамадиёров Наби» ва «Абдуллаев Дўстмурод » фермер хўжаликларида эса, ресурстежовчи агротехнологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланишни мақсадли йўналишларда ташкил этилиши асосида экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик ва рентабеллик даражаси ошишини кўришимиз мумкин.

Манбалардан олинган сув экин майдонларига етиб келгунга қадар эгатлаб суғориш усули натижасида суғориш техникасининг фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,5 дан юқори бўлмайди далага берилган сувнинг 30-40 фоизи зое кетади. Суғориш техникасининг ФИК 0,5 дан юқори бўлмаслиги ва далага берилган сувнинг 30-40 фоизи зое кетиши бу “суғориш техникаси ва технологияси” деб аталувчи бўғинга боғлиқдир. Бу марказий функционал бўғин сувни суғориладиган дала бўйлаб тақсимлайди ва бунда 4 та асосий усул :

- устки суғориш яъни эгат бўйлаб суғориш;
- томчилатиб суғориш;
- ёмғирлатиб суғориш;
- тупроқ остидан ва эгилувчан шланглар ёрдамида суғориш.

Эгат бўйлаб суғоришда бутун дунё суғориладиган деҳқончилигида ҳали амалий ҳал этилмаган иккита муаммо мавжуд у ҳам бўлса: суғориш шахобчаларидан сув суғорилаётган майдонлар кенглиги бўйлаб бир текис тақсимланмаслиги ҳамда даланинг узунлиги бўйлаб сувнинг бир маромда оқиб бормаслигидир. Эгат бўйлаб суғориш пайтида исроф бўлган сувлар

шунчаки йўқотишлар эмас балки зарарли чиқиндилардир, уларни тозалаш талаб этилади.

Шундай исрофгарчиликларни олдини олишда ёмғирлатувчи машиналарни қўллаган ҳолда суғоришнинг илғор усулларига ўтиш туфайлигина эришиш мумкин. Бунда суғориш нормаси 750 м³/га дан юқори бўлмаслиги керак. Бутун дала бўйлаб суғоришнинг 0,7-0,9 дан кам бўлмаган бир текисликка эришиш мумкин.

Маълумки, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш зарурий ишлардан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олганда туманда ирригация тизимлари ва мелиорация тармоқларини реконструкция ҳамда тозалаш ишларини олиб бориш ишлари таҳлили кўрсатишича, туман суғорма деҳқончилигида 1258 км ирригация тизимлари ва 389 км мелиорация тармоқлари хизмат кўрсатади.

2008 йилда мавжуд ирригация тизимларининг 87 фоизи, мелиорация тармоқларининг эса фоизи тозалангани ҳолда, 2012 йилда уларнинг мос равишда 83 фоизи, 8 фоизлари тозаланган (7-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан ирригация тизимларининг тозаланиш ҳолати 96 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2008 йилга нисбатан 48 км кам ирригация тизимлари тозаланган. Мазкур йилларда 1258 км ирригация тизимларининг 1080 км қўл кучида, 178 км механизмлар билан тозаланган бўлиб, мос равишда 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 50 км ирригация тизимлари кам тозаланган. Яъни, 2008 йилга нисбатан 2012 йилда мазкур кўрсаткич 96 фоизда бажарилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мавжуд 389 км мелиорация тармоқларининг барчаси механизмлар билан тозаланган бўлиб, 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 44 км кам мелиорация тармоқлари тозаланган.

**Иштихон туманида ирригация тизимлари ва мелиорация
тармоқларининг ҳолати**

КМ

№	Тадбирлар	2008 йил			2010 йил			2012 йил			2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиш суръати	
		Мавжуд	Тозаланди	Фоиз	Мавжуд	Тозаланди	Фоиз	Мавжуд	Тозаланди	Фоиз	Фоиз	Фарқи, (+, -)
1	Ирригация tizimlari:	1258	1097	87	1258	1039	83	1258	1049	83	96	-48
	Қўл кучида	1080	1052	97	1080	993	92	1080	1002	93	95	-50
	Механизмда	178	45	25	178	46	26	178	47	26	104	2
2	Мелиорация tarmonlari:	389	77	20	389	69	18	389	33	8	43	-44
	Қўл кучида	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	Механизмда	389	77	20	389	69	18	389	33	8	43	-44

Умуман олганда 2012 йилда 2008 йилга нисбатан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш ишларида салбий тенденция кузатилмоқда.

Сувни тежаш катталиги жойнинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитлари, етиштирилаётган экин тури ва қўлланилаётган томчилатиб суғориш тизимининг техник-иқтисодий кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва уларни такомиллаштириш бўйича ғўзани томчилатиб суғориш усулида 40-50 фоиз сувни тежаш билан бирга ёнилғи мойлаш маҳсулотларини 20-25 фоиз иқтисод қилиш, тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий ва микробиологик хусусиятини яхшилаш, органик ва минерал ўғитлардан ресурстежовчи фойдаланиш натижасида кўсаклар пишиб етилиши 10-15 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 5-6 ц/га ошиши таъминланади. Шунингдек, сув танқислиги олдини олишда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда қатор оралатиб ёки алмаштириб суғориш усули

қўлланилганда 15-20 фоиз сувни тежаш билан бирга эртаги ва мўл пахта ҳосили етиштириш имконияти яратилади.

Бунда томчилатиб суғориш усулининг самарадорлиги сувдан тежамли ва самарали фойдаланиш пахта экинлари ҳосилдорлигини ошириш минерал ўғитлар ўстирувчи ва ривожлантирувчи моддалар гербицидларни сув билан аралаштириб беришга имконият берувчи истикболли усуллардан бири ҳисобланиди. Бу усулда аввало тупроққа ишлов бериш ишлари кескин камаяди ёнилғи мойлаш материаллари сарфи эса 20-25 фоизга камаяди. Мавсумий суғориш миқдори 40-50 фоизга тежалади тупроқнинг юқори қатлами донатор ҳолда сақланиб унумдорлиги яхшиланади.

4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш тадбирлари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида табиий ресурслардан ва хусусан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Сувни муҳофаза қилиш чоралари нотўғри ҳаракатлар ёки тадбирларни тўхтатишгагина эмас, балки асосан сув ресурслари ифлосланиши ва тугаб қолиши олдини олишга қаратилгандир. Ҳовузлардаги турли хил ингредиентларнинг йўл қўйиладиган йиғиндилари меъёрлари мавжуд. Улар сувдан хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун кишилар соғлиғига зарар етказмай фойдаланишга қаратилган.

Халқ хўжалиги иқтисодиётининг тез ўсиши ва шаҳар қурилишининг ривожланиши билан сувга эҳтиёж кўпаяди. Бу эса сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг аҳамиятини оширади.

Саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг индустриал негизга ўтказилиши ва коммунал–маиший хўжаликнинг ўсиши ишлатилган сувлар ҳажми кўпайишига олиб келади. Ишлатилган сувларни ажратиш сув муҳитини ифлосланишининг асосий сабабидир.

Ховузлар кислород минтақасини анча ёмонлаштирадиган кўк-яшил сув ўтларининг ривожланиши натижасида сув омборларидаги сувлар сифати ёмонлашмоқда. Дарёларга илиқ сувларни оқизиш ва қишлоқ хўжалик ерлари ўғитлари қолдиқларини ташлаш, кўк-яшил сув ўтлари ўсиши сабабларидан биридир.

Қишлоқ хўжалигини химизациялаш сув манбаларининг захарли химикат ва ўғитлар билан бевосита ифлосланишга олиб келади. Бу химикат ва ўғитлар дарёларга тупроқ ер ости ва суғориш тизимларининг дренаж сувлари билан бирга тушади. Бу нарса суғорма шоликорлик тизимларида кўпроқ учрайди.

Ховузларнинг оқова сувлар билан ифлосланиши халқ хўжалигига катта зарар келтиради. Хукуматимиз сув ресурслари муҳофазаси бўйича бир қанча чоралар белгилаганлар. 1996 йилда Вазирлар Маҳкамаси «мамлакат сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва улар муҳофазасини кучайтириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. 1997 йилда Сув муаммолари институти тузилади. 1996 йилда Ўзбекистон Олий Мажлиси сув тўғрисидаги қонунни тасдиқлади. Давлат бу қонун билан сув ресурслари умум халқ бойлиги ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш—давлат аҳамиятига эга иш эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Қонунда аҳолининг хўжаликнинг—ичиш эҳтиёжлари биринчи галда қондирилиши принципи таъкидланган. Бу ҳар қандай хўжалик фаолияти аҳолини тоза сув билан меъёр таъминлашга тўсиқ бўлмаслиги кераклигини билдирди.

Сув тўғрисидаги қонунлар асосларида марказий муаммолардан бири бўлган сув ресурслари муҳофазаси жуда муҳим ўрин тутди. Ховузлар ифлосланиши олдини оладиган тозалаш иншоотларига эга бўлмаган ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш қонун йўли билан таъқиқланади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни тартибга солиб турувчи давлат органи ҳисобланади. Вазирликнинг сувлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари

юзасидан берадиган кўрсатмалари идоравий тобеликларидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ҳамда муассасалар учун мажбурийдир.

Сувларни тартибга солиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида давлат сув назорат инспекцияси тузилган. Улар фаолияти минтақасига ҳавзаларга яқин иқтисодий районлар билан бирга бир ёки бир нечта дарёнинг ҳавзаси киради. Масалан Амударёни бошқариш бошқармаси ва Сирдарёни бошқариш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон ва вилоятлар инспекцияси.

Сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги вақтда уч йўналишда ҳал қилинмоқда. Биринчидан, сувларни тозалаш ишлари қўлламини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун тозалаш ва бошқа сув муҳофазаси иншоотларини қуриш суръатларининг тозаланмаган оқова сувлар ташлаб юборилиши ўсишининг суръатларидан орқада қолишига барҳам бериш керак.

Иккинчидан, оқова сувлардан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш кенгайтириб бормоқда. Шаҳарлар маиший оқова сувларидан фойдаланиш учун суғоришнинг деҳқончилик майдонлари деб аталган махсус суғориш тизимлари қурилмоқда, тупроқ ва ўстириладиган экинлар ёрдамида оқова сувларнинг табиий биохимик тўла тозаланиши содир бўлади. Бундай далаларда санитария гигиена муҳофазаларига кўра асосан техника ва озуқа экинлари ўстирилади.

Оқова сувлари билан суғоришнинг муайян мақуллиги бор. Бунда тупроқ оқова сувларни тозалабгина қолмай, балки ҳосилдорликни ҳам оширади. Тупроққа нам билан бирга зарур озуқа моддалари—азот, фосфор, калий ва микроэлементлар киради. Бу моддалар оқова сувларда етарли миқдорда ҳамда ўсимликлар учун қулай шаклда мавжуддир. Бу нарсани қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олинишини таъминлайди.

Келажакда оқова сувлар билан суғориладиган майдонларни йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бу чучук сувларни тежашнинг қўшимча манбаи, сув ҳавзалари ифлосланишига

қарши ишончли кураш воситаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим омили хизматини ўтайди.

Учинчидан, саноат корхоналарида сувдан ёпиқ цикл бўйича қайта-қайта фойдаланишга қаратилган технологик жараёнлар мутасил такомиллаштирилмоқда. Ишлаб чиқаришга сув билан таъминлашнинг ёпиқ тизимларини жорий қилишга саноатнинг химия, металлургия нефтни қайта ишлаш ва бошқа тармоқларида катта аҳамият берилмоқда. Сув таъминотининг ёпиқ жараёнларига ўтиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммосини анча тўлиқ ҳал этиш имконини беради.

Сув ресурсларини ифлосланиш ва тугаб қолишдан сақлаш улардан халқ хўжалигининг барча тармоқларида оқилона фойдаланиш комплекс дастурининг таркибий қисмидир.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий исхотларда қишлоқ хўжалигига устуворлик берилиши бу тармоқнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги асосий ўринлардан эгаллаши билан изоҳланади.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида бошқа тармоқлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда асосий ва алмашинмайдиган ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, энг аввало ерга бўлган муносабатнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ. Шу билан бир қаторда асосий ишлаб чиқариш воситаси ва меҳнат предмети ҳисобланган қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар маконда кескин чекланган.

Республикамиз демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатларидан бири аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобланади. Бу эса қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Бу масаланинг фақат бир томони, иккинчи томондан, аҳоли сонининг ўсиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, йўллар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилади. Бунинг натижасида эса ер ресурслари миқдоран камайиб боради.

Ер ресурсларини кенгайтиришнинг сув ресурсларига боғлиқлиги ва умуман чекланганлиги туфайли уни фақат муайян миқдоргача ўзлаштириш имконини беради, холос. Бундан ташқари, илмий-техника тараққиёти ва аҳоли сонининг ўсиши экологик муаммони ҳам келтириб чиқармоқда. Бунинг натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Бу ҳам қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг камайишига олиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигига хос бўлган бу хусусият қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам республикада ер-сув ресурсларининг чекланганлиги, аҳоли сонини эса нисбатан ортиб бориши ва уларнинг ҳаёт фаровонлигини таъминлаш, иккинчи томондан ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги тафовут, сув ресурсларининг трансчегаравий характерда эканлиги, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши ва молиявий инқирознинг бошқа давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарблигини янада оширди.

Шу нуқтаи назардан мамлакат миқёсида сувни бошқариш ва сув истеъмолчиларига қулай ва мунтазам тизимини яратиш орқали сув ресурсларидан ва пировард натижада суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Бунинг учун сув ресурсларини етказиб берувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ҳамда сув истеъмолчилари ягона бир тизим сифатида сувдан оқилона фойдаланиш мажбуриятларини ҳис қилмоқлари лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда республикада табиий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва тармоқ ишлаб чиқаришини модернизациялаш учун зарур бўлган инвестицион фаолликни ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Чунки, сув хўжалиги инфратузилмасини тиклаш эҳтиёжлари учун инвестицион фаолликка зарурият туғилмоқда. Сабаби сув хўжалиги инфратузилмасини тиклаш

бўйича эҳтиёжлар ўрганилганда, хўжаликлараро ва магистрал каналларнинг 23,5 фоизи, хўжаликлар ичидаги суғориш тармоғининг 17,4 фоизининг таъмир талаблиги, мавжуд 42 та сув олиш гидроузелининг 18 тасини алмаштириш ва гидромеханик ускуналарни модернизация қилишни, 5 тасини қайта қуришни, катта насос станцияларининг 80, ўртача станцияларнинг 50 ва кичик станцияларнинг 30 фоизининг таъмирлашга ва қайта қуришга муҳтожлиги, ички хўжаликлардаги қарийб 19 минг км очик дренажларнинг тозалашни талаб қилиши, ёпиқ дренажларнинг 50 фоиздан ортиғини ишламаслиги ва б. аниқланган³.

Монографик ўрганилган Беруний насос станциялари ва алоқа бошқармасига тегишли бўлган асосий насос станциялари ва бошқа агрегатлар асосан ўз иш муддатларини бажарган.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили” Давлат дастурида белгиланган биринчи асосий йўналишда қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, хусусан: “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги амалдаги қонунларга фермер хўжаликларига берилган ер майдонлари ҳажмини муқобиллаштиришни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича жавобгарликни оширишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиш чора-тадбирлари белгиланган.

Бу тадбирларнинг афзаллик томони шундаки, унда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни барчасига сарфланадиган маблағлар ва уларнинг молиявий манбалари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Сув хўжалигида сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, тармоқда субъектлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали мамлакат аграр соҳасини янада ривожлантириш имконини беради.

³ Сув Ўзбекистон келажаги учун ҳаётий ресурс. – Т.: 42-бет.

Ер–сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олиб сув хўжалиги инфратизимини жойлаштириш ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Ер–сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича сув хўжалиги инфратизимини жойлаштириш суғорма деҳқончилик олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга боғлиқ бўлади. Бунда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- Ердан самарали фойдаланиш ва табиатни асраш бўйича тадбирлар тизимини амалга ошириш асосида суғориладиган ерлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- Гидромелиоратив тизимда сув тежаш технологиялари ва тадбирларини жорий қилиш орқали суғориладиган сувдан унумли фойдаланиш ва бошқалар.

- Бундан ташқари, суғорма деҳқончиликда сув хўжалиги инфратизимини жойлаштиришда белгиланган макс. два вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади:

- энг кам харажат сарфлаш ҳисобига юқори ҳосилдорликка эришиш;
- экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш;
- ердан фойдаланиш коэффициентини энг юқори даражага етказиш;
- маҳсулот бирлиги ва харажат ҳисобига суғориладиган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- суғориладиган ер унумдорлигини ошириш ва ҳоказо.

Суғоришнинг илғор усуллари, техника ва технологиялари суғоришнинг меъёрий режимини яратади, сув ресурсларини тежайди, исрофгарчилигига йўл қўймайди ҳамда ерлар шўрланишнинг олдини олишга имкон беради.

Таҳлиллар натижаси кўрсатишича, мамлакат микёсида суғоришнинг сув тежаш техникасини жорий қилиш натижасида йилига ўртача 0,7–0,9 км³ сув ресурсларини иқтисод қилиш имконини беради. Иқтисод қилинган сув ресурслари билан эса қўшимча 120-130 минг гектар экин майдонларини суғориш мумкин бўлади.

Энг аввало қўйилган мақсадга эришишда қандай тамойилларга асосланиш мумкинлигини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ундан кейин эса сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг атроф-муҳитни ифлосланиш олдини олишнинг асосий йўналишлари белгиланади. Бунда: табиий ресурслардан, шу жумладан ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлашга асосий эътибор қаратилиши зарур. Шунингдек, ушбу тизимни амалга оширишдан кўзланган мақсадга эришишда қаратилган вазифаларни аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосан:

- ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиши олдини олишга;
- сув ресурсларидан фойдаланишнинг тартиб-қоидаларини яратиш ва услубларини танлашга;
- сувни тежовчи техника ва технологияларини жорий қилишга;
- сув ресурсларидан пуллик фойдаланиш механизмини жорий қилишга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Монографик ўрганилган Иштихон туманида 4760,0 гектар ер майдонлари Давлат насос станциялари ҳамда 4229 гектар ер майдонлари хўжалик ички насос станциялари ёрдамида суғорилади.

Сув таъминоти тадбирлари учун Давлат бюджети ҳисобидан йил давомида жами 1434,5 млн сўм маблағ сарфланади. Бунда ўртача 1 гектар суғориладиган майдон учун 45.5 минг маблағ сўм тўғри келишини кўриш мумкин.

Туманда қишлоқ хўжалик эҳтиёжи учун 224,9 млн м³ ёки бир гектар майдонга ўртача 7140 м³ сув сарфланмоқда. Туманга етказиб берилган 1 м³ ўзи оқар сувнинг таннарни 1,73 сўмни ташкил қилади. Насос билан кўтарилган 1 м³ сувнинг таннарни 28,6 сўмга етади.

Йил давомида Давлат насослари ёрдамида 112,8 млн м³ сув чиқариб берилади, бу мақсад учун 8.2 млн кВт элект энергия ёки 688.1 млн сўм маблағ сарфланади. Насос билан суғориладиган 1 гектар майдоннинг йиллик сув таъминоти учун 159,4 минг сўм пул маблағлари сарфланади.

Хўжалик ички насослари ёрдамида 24,9 млн м³ сув чиқарилиб бунинг учун 5,1 млн кВт соат эл.энергия учун 0,5 млрд. сўм пул маблағлари сарфланади.

2013 йилдан бошлаб тумандаги “Кулчара” ва “Қорасув” хўжалик ички насос станциялари электр энергия таъминоти давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2007 йил 29-октябрдаги ПФ-3932-сонли “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора -тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2007 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-718 сонли қарори асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти томонидан 2008-2012 йилларга белгиланган Давлат дастурига кўра 11 та лойиҳа асосида 1918,1 млн сўмлик ишлар бажарилди, бунинг натижасида фермер хўжаликларининг 3418 гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

2013 йилги Давлат дастурига 21 та лойиҳа тасдиқланди, шундан 7 та лойиҳа реконструкция ва янги қуриш ҳамда 14 та лойиҳа таъмирлаш-тиклаш объектларида 10,3 млрд сўм пул маблағ ажратилиши белгиланган. Бу маблағлар билан 540,6 км масофадаги мелиоратив объектларни таъмирлаш режалаштирилган. Ушбу дастур амалга ошириши натижасида 333 гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришда сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда томчилатиб суғориш тизимини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқариш учун ушбу фармонда фермер

хўжаликлари томонидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этишда кулайликлар яратиш мақсадида Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 5 фоизлик имтиёзли кредитлар берилиши ва 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши кўзда тутилди.

Хусусан суғоришнинг замонавий ва самарали усулларидан фойдаланиш бўйича Иштихон туманида ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда, жумладан 2011-2012 йиллар давомида 31,0 гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими жорий этилган. Ушбу тизимдан боғ ва ток, сабзавот каби қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланилмоқда ва юқори ҳосилдорликка эришилди.

Бу норманинг тегишли қонунларда ўз аксини топиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий суғориш тизимлари инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида Солиқ ва Ер кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларига замонавий суғориш тизимини жорий этган юридик шахсларга турли имтиёзлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишни талаб этади.

Шундай қилиб, сув танқислиги кучаяётган, суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашаётган шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш тизимининг амал қилиши сув истеъмолчилари, сув хўжалиги ташкилотлари маъсулиятини янада оширади ҳамда жамият манфаатларига тўла мос келиб, мамлакат иқтисодиётини бирқарорлаштиришда ишончли тадбир сифатида муҳим роль ўйнайди.

ҲУҚУҚИЙ ҚИСМ

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг Низоми 4 банддан иборат бўлиб, ўз ичига умумий қоидалар, бўлимнинг вазифалари, бўлимнинг ҳуқуқлари ва бўлим фаолиятини ташкил этиш бандларидан иборат.

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар.

1. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий органи ҳисобланади ҳамда ўзига тегишли юкланган вазифалар ва функцияларни тегишли туман ҳудудида амалга оширади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати қарорларига ва Вазирлик буйруқларига, вилоят ҳокимлиги ва туман ҳокимлиги қарорларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади:

2. Бўлимнинг вазифалари

4. Бўлим туманда аграр сиёсат ўтказишлиши учун масъул ҳисобланади.

Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

- селекция, уруғчилик ва агротехнологияларни яхшилаш ишларини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришни янги технологияларини жорий этиш;

- қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида ижара ва пудрат муносабатларини ривожлантирилиш ишларини ташкил этиш ва мониторингини юритиш;

- фермер хўжалигини кенг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмаси ривожлантирилишини ташкил этиш;
- ер ва сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- туман қишлоқ ва сув хўжалиги сувдан фойдаланувчилар бўйича сув фойдаланиш лимитларини белгилашга доир таклифлар тайёрлаш, бозор принциплари ва механизмлари амалга оширилишига, шунингдек сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя қилишига кўмаклашиш;
- лимитланган сувдан тежаб фойдаланганлиги учун туман сувдан фойдаланувчилари рағбатлантирилишини ташкил этиш;
- сувдан фойдаланувчиларнинг сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилишда қатнашиш;
- сув истеъмолчилари уюшмаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларини таъминлаш, уларни ташкил этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;
- хўжалик ички гидромелиорация тизимларини, сувни ҳисобга олиш тизимларини таъмирлаш ва ривожлантириш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;
- илғор тажрибани илмий-тадқиқотлар, ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларини ташкил этиш;
- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хариди бўйича контрактация шартномалари бажарилиши мониторингини ташкил этиш;
- наслчилик ишларини, ветеринария ва сервис хизматларини ривожлантириш, шунингдек чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- мутахассислар, малакасини оширишни ташкил этиш;

5. Бўлим қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузилишини ташкил этишда кўмаклашади;

- тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг асосий турларини етиштириш ҳажмлари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

- контрактация шартномалари бажарилиши мониторингини амалга оширади;

- қишлоқ хўжалиги ширкатлари бошқаруви, оилавий пудратчилар, ижарачилар ўртасида тузилган хўжалик ички шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

- фермер хўжаликларининг ривожлантиришга кўмаклашади;

- тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш экология жиҳатидан хавфсиз технологияларни жорий этиш тадбирларини ташкил қилади;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланишда ёрдам кўрсатади;

- қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ва зараркундаларига қарши курашиш бўйича ҳимоя ва олдини олиш комплекс тадбирларини ўтказишда кўмаклашади;

- чорвачиликда селекция-наслчилик ишларни амалга оширилишини ташкил этади;

- чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ветеринария ва сервис хизматларини ривожлантиришни чора-тадбирларини амалга оширади;

- чорва моллари юқумли касалликларига йўл қўймаслик ва карантин тадбирларига риоя қилишнинг профилактика чора-тадбирларини амалга оширади;

- суғоришнинг илмий асосланган режимлари, сувни тежовчи тадбирлар ва технологиялар жорий этилишини ташкил этади;

- магистрал каналлар(тизимлар) ва ирригация тизимлари бошқаманинг сув хужалиги кенгашлари ишида қатнашади;

- ирригация тизимлари бошқармасига туман қишлоқ хужалиги сувдан фойдаланувчилар бўйича сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаш юзасидан таклифлар киритади;

- туманда сувдан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузиш ишларига кумаклашади ва уларни мувофиқлаштиради;

- таклифлар ишлаб чиқаришда ҳамда сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этишни ташкил этишда қатнашади;

- сугориш сувдан фойдаланилишни таҳлил қилади ҳамда сувдан фойдаланувчиларни лимитланган сувдан тежам фойдаланганлиги учун рағбатлантириш бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига таклифлар киритади;

- сув истеъмолчилари уюшмаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар таъминланишига кўмаклашади, улар бажарилишини мониторингини олиб боради, уларни ташкил этишда ва уларни фаолият курсатишида методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

- хўжалик ички гидромелиорация тизимларини сувни ўлчаш қурилмалари билан жиҳозлаш ишларига кўмаклашади ва уларни мувофиқлаштиради;

- сугорилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва реконструкция қилиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш ишларини ташкил этади;

- хўжалик ички гидромелиорация тизимларини таъмирлаш ва уларни ривожлантириш, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини умумий мувофиқлаштиришни олиб боради;

- «Узсувназорат» инспекцияси билан биргаликда, шунинг ирригация тизимлари бошқармаси билан ўзаро ҳамкорликда сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилишда қатнашади;

- туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар киритади;
- ахборот таъминотини амалга оширади ҳамда фан ютуқлари, агротехника, ресурслари ва тежовчи технологияларни жорий этиш кўмаклашади;
- муқобил машина трактор парклари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади ва уларнинг мониторингини олиб боради;
- қишлоқ ва сув хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари малакасини оширишни ташкил этади;

3. Бўлимнинг ҳуқуқлари.

6. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар белгиланган тартибда сураш ва олиш;
- ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида келишиш учун унга тақдим этиладиган қарорлар лойиҳалари юзасидан ҳулосалар бериш;
- Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида илтимосномалар киритиш:
- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар бузилишини тўхтатиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари манфаатларини кўзлаб хўжалик судларига даъво аризалари бериш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш;

7. Бўлимнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари мулкчилик шаклларида қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар,

шунингдек мансабдор шахслар ва фукаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Бўлим фаолиятини ташкил этиш.

8. Бўлимга туман ҳокимининг тақдимномасига кўра туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган бошлиқ бошчилик қилади.

9. Бўлим бошлиғи;

Бўлим фаолиятига якка бошчилик асосида раҳбарлик қилади ва бўлимга юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бошлиқ ўринбосарлари лавозимига тайинлаш учун номзодларни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдим этади;

Бўлим аппарати ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Бўлим ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради;

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ижтимоий ривожлантириш ва рағбатлантириш жамғармаси маблағлари бўлимнинг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

11. Бўлим фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилади.

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ) нинг мақсади - Ишлаб чиқаришда ва фавқулотда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўргатишдан иборатдир. Шунинг билан бирга Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ) бири бири билан ўзаро боғлиқ бўлган учта асосий вазифани ечади:

- хавфларни таққослаш, яъни хавфларнинг сонли характеристикаси ва келиб чиқиш нуқталарини кўрсатган ҳолда уларнинг қиёфасини билиш;
- фойда ва ҳаҷжатларни таққослаш асосида хавфлардан ҳимояланиш;
- мумкин бўлган салбий хавфларнинг (қолган хавф-хатар тушунчасидан келиб чиққан ҳолда) оқибатини бартараф қилиш;

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ) ни бошқариш деганда кўзда тутилган натижаларга еришиш учун «инсон-муҳит» системасига ташкилий таъсир қилишни тушунамиз.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (ҲФХ)ни бошқариш - бу объектни онгли равишда бир ҳолатдан (хавфли) бошқа бир ҳолатга (хавфсиз) ўтказишдир. Бунда объектив равишда иқтисодий ва техник шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хавф - ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса, жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан-тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Таҳлилнинг мақсадига кўра хавфни характерловчи белгилар сони кўпайиши ёки камайиши мумкин. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигидаги хавфга берилган юқоридаги таъриф мавжуд бўлган стандарт тушунчаларни (хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари) ўзига тортувчи, ҳамда фаолиятнинг ҳамма турларини ҳисобга олувчи жуда салмоқли тушунчадир.

Хавф энергияга эга бўлган кимёвий ёки биологик фаол ташкил килувчиларни ўзида мужассамлаштирган ҳамма тизимларни, ҳамда инсон ҳаёт фаолияти шароитида жавоб бермайдиган тавсифларни ўзида сақлайди.

Хавфсизлик - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. ҲФХ эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

Яширин хавфларни юзага келтирувчи шароит сабаблар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, сабаблар вазиятлар тўпламини характерлайди, унга кўра хавфлар пайдо бўлади ва у ёки бу кутилмаган оқибатлар ва зарарларни келтириб чиқаради.

Зарар ёки кутилмаган оқибатларнинг шакллари хар-хилдир: хар-хил оғирликдаги жароҳатлар, замонавий усуллар билан аниқланадиган касалликлар, атроф муҳитга зарардир. Хавф, сабаблар ва оқибатлар-булар шундай воқеалар, яъни бахтсиз ҳодиса, фавқулотда ҳолат ва ёнғинларнинг асосий кўрсаткичларидир.

Юқорида қайд қилинган учлик «хавф-сабаблар-кўнгилсиз оқибатлар» - бу ривожланишнинг логик жараёни бўлиб, потенциал хавфи бор бўлган зарарга олиб келади. Қоида бўйича бу жараён бир неча сабабларни ўз ичига олади, яъни бу кўп сабаблидир.

Хавф кўнгилсиз воқеага хар-хил сабаблар билан айланиши мумкин. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш асосида сабабни қидириш ётади.

Ишловчиларга зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки олдини олиш мақсадида ҳимоя воситалари қўлланилади. Ҳимоя воситалари инсон организмига энг маъқул шароитларни ҳосил қилиши ва қуйидагиларни таъминлаши лозим.

- иш зонасидан хавфли ва зарарли нарсалар, ҳамда материалларни узоқлаштириш ёки хайдаш;

- зарарли омиллар миқдорини белгиланган санитар-меъёрий даражасигача камайтириш;

- ишловчиларни қабул қилинган технологиялар ва иш шароитларида хамроҳ бўлган зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилиш;

- технологик жараён бузилганда пайдо бўладиган салбий омиллардан.

Ҳимоя воситаларини танлаш алоҳида ҳолатларда меҳнат хавсизлиги талабларига асосан амалга оширилади. Хавфсизликни таминлаш принциплари ва усуллари шакиллантиришда ҳар-хил ҳимоя воситалари қўлланилади.

Ҳар қандай фаолиятнинг хавфлилигини тасдиқлашга ҳиссият таҷрибаси асос беради. Фаолиятнинг бирорта тури йўқки, у абадий хавфсиз амалга ошса, ўз навбатида, қуйидаги ҳулосани ифодалашимиз мумкин; ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир.

Хавфларни бартараф қилиш принципи - Технологияларни ўзгартириш, хавфли нарсани хавфсиз нарсага алмаштириш, хавфсиз жихозларни қўллаш, меҳнатни илмий ташкил қилиш ва воситаларни такомиллаштириш билан хавфли ва зарарли омилларни бартараф қилиш каби омилларни ўз ичига олади. Бу принцип мазмуни билан жуда илғор ва амалга оширилиш шакли билан жуда хилма-хилдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Республикамизда суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб этувчи зарурият:

- республикамизнинг суғориладиган деҳқончилик шароитида сув ресурслари аҳамияти беқиёслиги билан биргаликда, суғориш учун яроқли сув захираларининг талабга нисбатан анча камлиги;

- аҳоли сонининг кўпайиб бориши оқибатида ва экин майдонларининг турли сабабларга кўра муомаладан чиқиб кетиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонларининг камайиб бориши;

- глобал иқлим ўзгариши таъсири сифатида ва умуман турли табиий офатлар, қурғоқчилик оқибатида қишлоқ хўжалигида суғориш суви балансининг бузилиши кузатилаётган бир пайтда республикамизга оқиб келадиган сув манбаларининг трансчегаравий дарёлар билан бевосита боғлиқлиги.

2. Сўнгги йилларда фермер хўжаликларининг ер участкалари ҳажмларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш), изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда, улар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди.

Таҳлиллар кўрсатишича, пахта-ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларидан ташқари энг юқори улуш боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига тўғри келгани ҳолда жами фермер хўжаликларининг 33,5 фоизини (180 та) ташкил қилади.

Иштихон туманида 2008-2010 йилларда олиб борилган пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари экин майдонларини мақбуллаштириш тадбирларининг таҳлиллари кўрсатишича, 2008 йилда, яъни мақбуллаштиришнинг 1-босқичида жами фермер хўжаликлари 1253 тани ташкил қилгани ҳолда, унинг 1026 таси, яъни 81,9 фоизининг экин ерлари 30 гектаргачани ташкил қилган. 3,5 фоизи, яъни 44 тасининг экин ерлари 31-60 гектаргачани, 14,6 фоизи, яъни 183 таси 61-100 гектаргача экин

майдонини эгаллаб турган. Мазкур йилда 100 гектардан ортиқ бўлган фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмаган

3. Туманда қишлоқ хўжалиги ерлари 49142 гектарни ташкил этгани ҳолда 2008 йилда унинг 11000 гектари (22,4 фоизи) пахта экин майдони, 6814 гектари (13,8 фоизи) жами дон экинларига мўлжалланган, 11310 гектари эса (23 фоизи) яйловлардан ташкил топган, 4346 гектари (8,8 фоизи) мева-сабзавот экинлари бўлиб, қолган 15672 гектари эса (32,0 фоизи) бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экин майдонларини ташкил қилади.

2012 йилда эса қишлоқ хўжалиги экин майдонларини жойлаштириш жараёнида, озиқ овқат маҳсулотлар миқдорини ошириш мақсадида жами қишлоқ хўжалиги экин ерларининг 20,8 фоизи пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришга ажратилди, яъни 2008 йилга нисбатан бу кўрсаткич 1,6 пунктга камайтирилди. Аксинча дон экин майдонлари 2008 йилга нисбатан кенгайтирилган бўлиб, 2012 йилда бу майдонлар жами қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг 20,6 фоизини ташкил қилгани ҳолда 2008 йилга нисбатан қарийб 7 пунктга оширилган. Худди шунингдек, мева-сабзавот экинлар майдони ҳам 2008 йилга нисбатан 2012 йилда қарийб 3 пунктга ошган.

4. Маълумки, суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда ирригация-мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш зарурий ишлардан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан олганда туманда ирригация тизимлари ва мелиорация тармоқларини реконструкция ҳамда тозалаш ишларини олиб бориш ишлари таҳлили кўрсатишича, туман суғорма деҳқончилигида 1258 км ирригация тизимлари ва 389 км мелиорация тармоқлари хизмат кўрсатади.

2009 йилда мавжуд ирригация тизимларининг 87 фоизи, мелиорация тармоқларининг эса фоизи тозалангани ҳолда, 2011 йилда уларнинг мос равишда 83 фоизи, 8 фоизлари тозаланган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ирригация тизимларининг тозаланиш ҳолати 96 фоизни ташкил қилгани ҳолда 2009

йилга нисбатан 48 км кам ирригация тизимлари тозаланган. Мазкур йилларда 1258 км ирригация тизимларининг 1080 км қўл кучида, 178 км механизмлар билан тозаланган бўлиб, мос равишда 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 50 км ирригация тизимлари кам тозаланган. Яъни, 2009 йилга нисбатан 2011 йилда мазкур кўрсаткич 96 фоизда бажарилган.

5. Туманда қишлоқ хўжалик эҳтиёжи учун 224,9 млн м³ ёки бир гектар майдонга ўртача 7140 м³ сув сарфланмоқда. Туманга етказиб берилган 1 м³ ўзи оқар сувнинг таннархи 1,73 сўмни ташкил қилади. Насос билан кўтарилган 1 м³ сувнинг таннархи 28,6 сўмга етади.

Йил давомида Давлат насослари ёрдамида 112,8 млн м³ сув чиқариб берилади, бу мақсад учун 8.2 млн кВт элект энергия ёки 688.1 млн сўм маблағ сарфланади. Насос билан суғориладиган 1 гектар майдоннинг йиллик сув таъминоти учун 159,4 минг сўм пул маблағлари сарфланади.

6. Шунингдек, «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда суғорма деҳқончиликда суғоришнинг илғор техноологияларидан фойдаланишни рағбатлантириш алоҳида кўрсатилган. Хусусан, асосан томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган юридик шахсларнинг 5 йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бу норманинг тегишли қонунларда ўз аксини топиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий суғориш тизимлари инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

Бу ўз навбатида Солиқ ва Ер кодекслари, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунларига замонавий суғориш тизимини жорий этган юридик шахсларга турли имтиёзлар берилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекси. 1997.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида» ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, - Тошкент, -1997. -№ 5. –Б. 21-26.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 21-25.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги фармони. // Халқ сўзи. 2003 йил 25 март.
9. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» ги фармони. // Солиқлар ва божхона хабарлари, - Тошкент, 2003. - № 48 (488).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. // Тошкент оқшоми, 2008 йил 22 октябрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 29 октябрдаги фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ – 3226 сонли фармони.
13. «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2012 й.
14. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., Ўзбекистон, 2009.
16. Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Т., Ўзбекистон, 2010.
17. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т., Ўзбекистон, 2010.
18. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохот ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Халқ сўзи, 2013 йил, 19 январь.
19. Абдурахимов И.Л., Умурзоқов У. П. Сув хўжалиги менежменти. Т. “Иқтисод-молия”. Т.: 2008.
20. Муродов Ч. Аграр ислохот ва қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. -№ 7. – Б. 12-15.
21. Султонов А.С., Умурзақов Ў.П., Рашидов Ж.Х. Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. –Т.: 2008.
22. Султанов Б. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2009. №12.22-б.
23. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, -2004. –30 б.
23. Сув Ўзбекистон келажаги учун ҳаётий ресурс. – Т.: 42-бет.

24. Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг ИНДИКАТОРЛАР
номли вилоятнинг 2006-2011 йиллар ижтимоий-иқтисодий
ривожланиши статистик тўплами.

25. Иштихон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари (2008-
2012 йиллар).

26. Интернет материаллари:

Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти маълумотлари
(www.iwmi.org/centralasia).

www.stat.uz,

www.min.eco.uz,

www.qxsv.uz